

Ташкент ш.

DSD-№ 2019-8001 июл 2019 йилдаги Дилерлик шартномаси бўйича "UzAuto Motors" АЖ номидан қонуний тижорий вакилликни амалга ошириб келаётган, Muziparov Mirsaid Sadikovich Устав асосида фаолият юритувчи "AVTOCAR TRADE CENTRE" МСНУ, кейинги ўринларда "Дилер" деб юритилади, бир томондан, ва ГЕНЕРАЛЬНАЯ ПРОКУРАТУРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, номидан Кашин асосида фаолият юритувчи Д.С. Касимов, кейинги ўринларда "Харидор" деб юритилади, иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар", алоҳида эса "Томон" деб юритилади ҳамда, Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, ўзаро келишув асосида, қуйидагилар тўғрисида мазкур Шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Мазкур Шартномага асосан Дилер мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобилни (кейинги ўринларда "Махсулот") етказиб бериш бўйича Харидорнинг буюртмасини "UzAuto Motors" АЖ (кейинги ўринларда – Ишлаб чиқарувчи)да жойлаштириш ва уни Харидорга етказиш ва унинг тасарруфига топширишни ташкиллаштиришни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади, Харидор эса мазкур шартнома шартларида Махсулотни тўлаш ва қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Махсулотнинг аниқ моделлари, уларнинг модификацияси, миқдори, ранги ва нархи мазкур Шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган спецификацияда келтирилган.
 1.2 Харидор мазкур Шартномани имзолашда Ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолда хорижий етказиб берувчи томонидан **автомобилнинг бошқарув электрон модули ва бошқа бутловчи қисмларни** етказиб берилмаётганлиги ҳамда **жаҳонда кузатилаётган глобал логистика муаммолари** сабабли, ишлаб чиқаришда вақтинча узилишлар вужудга келганда, автомобилни етказиб бериш **муддати** Шартноманинг 3-моддасида Ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган етказиб бериш муддатига розилигини билдиради. Харидор мазкур Шартномани 2.4.1-бандини истисно этган ҳолда, муддатидан олдин Шартномани бекор қилиши мумкин, бунда Ишлаб чиқарувчи/Дилерни 10 (ўн) календар куни олдин хабарнома юбориш йўли билан огоҳлантириши, огоҳлантиришдан сўнг, 10 (ўн) календар куни ичида тўлов қилинган сўммани тўлиқ қайтариб олишга ҳақли ҳисобланади.
 1.3. Етказиб бериладиган махсулот сертификатланган. Автомобиллар сертификати ҳамда комплектациялари ва опциялари ҳақида маълумотлар электрон шаклда Ишлаб чиқарувчининг <http://www.uzautomotors.com> веб-сайтида мавжуд.

2. МАХСУЛОТНИНГ НАРХИ ВА ТўЛАШ ТАРТИБИ

2.1 Махсулотнинг модели, модификацияси, нархи, миқдори ва қийматининг сўммаси қуйидаги спецификацияда аниқланади:

№	Махсулотнинг номланиши (автомобиль модели ва модификацияси)	Кўшимча опциялар (опция коди)	Кузов ранги	Ўлчов бирлиги	миқдори	Бирлик нархи (сўм)	Суммаси (сўм)
1	ТАНОЕ-2 RST 5.3L		Black-Matt(GBA)	дона	1	1 110 374 720.00	1 110 374 720.00
	Итого				1		1 110 374 720.00

Махсулотнинг умумий нархи (ҚҚС ҳисобга олинганда): Бир миллиард бир юз ун миллион уч юз етмиш тўрт минг етти юз йигирма сўм. 00 тийин.

2.2 Харидор миллий валюта – сўмда Махсулот қийматининг 100 фоиз олдиндан тўловини мазкур Шартнома имзоланган санадан 7 (етти) календар кун ичида, АО "UzAuto Motors" ТАНОЕ 20214000600532305066, очилган АКБ Капитал банк, ҳисоб рақамига (01088, СТИР 200244767) ўзининг ҳисоб рақамидан автомобил учун тўловни амалга оширади. Ушбу давр мобайнида Харидор Дилерга тўловни амалга оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши лозим.

2.3 Харидор томонидан мазкур Шартноманинг 2.2-бандида ўрнатилган олдиндан тўловни амалга ошириш муддати ва шартлари бузилган тақдирда, мазкур Шартнома Дилер томонидан бекор қилиш тўғрисида хабардор этиш мажбуриятисиз бекор қилинган ҳисобланади.
 2.4 Фойдаланишда хавфсизлигини таъминлаш, автомобилларнинг сифати ва такомиллашувини сақлаш мақсадида Ишлаб чиқарувчи томонидан Махсулот нархи таъсир этиши мумкин бўлган қўшимча опциялар киритишдан иборат Махсулот комплектациясига қўшимча ўзгартириш киритилиши мумкин. Қўшимча опциялар киритиш билан боғлиқ равишда Махсулот нархи ўзгарган тақдирда Харидор ўз хоҳишига кўра:

2.4.1 Махсулот учун тўланган тўлов сўммани қайтариш шarti билан Махсулотни қабул қилишдан воз кечиш; ёки
 2.4.2 Қўшимча шартнома тузиш орқали Махсулот қийматидаги фарқни тўлаш; ёки
 2.4.3 Махсулотни етказиб берилиши мумкин бўлган бошқа модель ёки модификациядагисига алмаштиришни талаб қилиш. Бунда Харидор етказиб берилиши мумкин бўлган бошқа модель ёки модификациядаги Махсулотни алмаштиришни кўзда тутган қўшимча шартномани имзолаш, Махсулот қиймати ошган тақдирда унинг қийматини қўшимча тўлаш мажбуриятини олади. Агар ўрнига бериладиган Махсулот қиймати мазкур шартномада кўзда тутилган Махсулот қийматидан паст бўлса, сумма фарқи Харидорга қўшимча имзоланган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календар куни ичида қайтарилади.

3. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ

3.1 Харидор томонидан мазкур шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган муддатдаги тўлов шартига қатъий амал қилинган ҳолатда, шунингдек, мазкур шартноманинг 1.2-бандида назарда тутилган ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқаришнинг вақтинча узилишлари юз бермаган тақдирда, Махсулотни етказиб бериш 31 дек 2025 йилгача амал қилади.

3.1.1. Шу билан бирга, Томонлар ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқаришнинг вақтинча узилишлари юз берган тақдирда махсулотни етказиб бериш муддати мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган муддатдан 45 календар кунгача узайтирилиши мумкинлигини эътироф этадилар ва бунга ўз розилиklarини билдирадilar. Қўшимча узайтириш муддати тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқарувчининг www.uzautomotors.com расмий веб-сайти орқали эълон қилинади ёки Дилер томонидан Харидорга қўшимча узайтирилган муддат тўғрисидаги маълумотлар унинг мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган манзилига ёзма ахборот юбориш орқали амалга оширилади.

3.2. Махсулотни етказиб берилишининг аниқ санаси Харидорга мазкур шартноманинг 3.1 ҳамда 3.1.1 бандларида кўрсатилган Махсулотни етказиб бериш муддатидан камида 10 кун аввал маълум қилинади. Дилер омиборида Махсулот етарли бўлган ҳолатда, муддатидан илгари етказиб бериши мумкин.

3.3 Махсулотни етказиб бериш Дилер автосалонидан мустақил олиб кетиш шартларида амалга оширилади.
 3.4 Харидор томонидан Махсулотнинг бутлиги, механик шикастланишлари ва бошқа очиқ-ойдин камчиликларига нисбатан даъво-эътирозлар Махсулотни якуний қабул қилиб олинганга қадар уни текшириш даврида Дилерга билдирилади. Яширин нуқсонлар бўйича даъво-эътирозлар Махсулот сотилгандан сўнг, бироқ мазкур шартноманинг 4.1-бандида қайд этилган кафолат муддати мобайнида автомобилдан фойдаланиш ва унга қараш бўйича белгиланган қоидаларга Харидор томонидан қатъий риоя қилинган тақдирдагина билдирилиши мумкин.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Дилернинг мажбуриятлари:

4.1.1. Дилер мазкур шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган муддатларнинг ўзгарганлиги ҳақида Харидорни телефон орқали хабардор қилиши, бунимконияти бўлмаганда, SMS-хабар, электрон почта, телеграмма ва бошқа усуллар орқали хабар юбориши;
 4.1.2. Дилер автосалонига Махсулот етиб келганлиги ҳақида Харидорни телефон орқали хабардор қилиши, бунимконияти бўлмаганда, SMS-хабар, электрон почта, телеграмма ва бошқа усуллар орқали хабар юбориши;
 4.1.3. Мазкур шартноманинг 3.1-бандида белгиланган етказиб бериш муддатида Махсулот қийматининг 100 фоиз тўловини амалга оширилганлиги шarti билан
 4.1.4. Махсулотни ўз омиборидан Харидорга топшириш;
 Махсулотни фақат Харидор томонидан унга тегишли Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки Ўзбекистон Республикасининг паспорт тизимига мувофиқ унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этилган ҳолатда топшириш;
 Махсулотни Харидорга топшириш вақтигача унинг сотув олди тайёргарлигини амалга ошириш;
 Махсулотни Харидорга тўлиқ комплектаган ҳолда мазкур шартнома шартларига мувофиқ бирор-бир нуқсон ва камчиликларсиз топшириш; Харидорга ҳисоб-фактура, ҳисоб-маълумотнома, сервис китобчаси, фойдаланиш бўйича қўлланма ва асбоб-усқуналар тўпламини топшириш;
 Харидор томонидан автомобилни қабул қилиб олган кундан бошлаб 36 ой мобайнида кафолат хизмати кўрсатиш, бироқ бу даврда автомобилнинг босиб ўтган йўли 100 000 км дан ошмаслиги ҳамда автомобилга қўшиб топширилган фойдаланиш бўйича қўлланмада кўрсатилган автомобилдан фойдаланиш ва унга қараш бўйича белгиланган қоидаларга автомобил эгаси томонидан қатъий риоя қилиниши шarti билан кафолат хизматини кўрсатишни тақдим этиш.
 4.1.5. Шартноманинг 4.2.1 бандига асосан, автомобиль реализация бўлган ҳолда, дилер ушбу шартноманинг 2.1 бандида кўрсатилганидек, махсулот ўрнини босувчи мос комплектациядаги махсулотни 30 (ўттиз) календар кундан кеч бўлмаган муддатда етказиб беришга мажбур.

4.2 Дилернинг ҳуқуқлари:

4.2.1 Ҳаридор томонидан ушбу шартноманинг 4.4.4-банди шартлари бузилган ҳолатлар кузатишган тақдирда, дилер маҳсулотни навбат тартиби асосида кейинги мижозга бериш ҳуқуқига эга.

4.3 Харидорнинг ҳуқуқлари:

Маҳсулотни Харидор томонидан тўлиқ қабул қилиб олгунга қадар кўриқдан ўтказиш пайтида бут ҳолатда эмаслиги, механик шикастланишлари ва бошқа очиқ-ойдин камчиликлари аниқланган тақдирда ушбу камчиликларни Дилерга 7 кунлик муддатда бартараф этиш талаби билан Маҳсулотни қабул қилишдан бош тортиш.

4.4 Харидорнинг мажбуриятлари:

4.4.1. Мазкур шартноманинг 2.2 ва 2.3 бандлари шартлари ва муддатларига мувофиқ Маҳсулотнинг тўлиқ қиймати тўловини амалга ошириш;

4.4.2. Мазкур шартномага мувофиқ Маҳсулотни сифати ва бутлиги бўйича қабул қилиб олиш;

4.4.3. Фойдаланиш бўйича қўлланмага мувофиқ автомобилдан тўғри фойдаланиш талабларига қатъий риоя қилиш. Даврий техник хизмат кўрсатишининг барча ишларни ишлаб чиқарувчининг ваколатли дилерларида бажариш.

4.4.4. Харидор, дилер томонидан ёки электрон платформалар ("UzAutoSavdo" мобил иловаси ёки UzAutoSavdo_bot телеграм бот) орқали автомобилнинг дилерлик марказида эканлигидан хабардор бўлганидан сўнг, автомобил қийматининг 100% тўловини амалга оширган ҳолда, 5 (беш) иш куни ичида қабул қилиб, олиб кетиш мажбуриятини олади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Маҳсулотни етказиб бериш муддатлари бузилган тақдирда, Харидор Дилердан ҳар бир кечиктирилган кун учун Маҳсулот қийматининг 0,01 фоизи миқдоридан жазима (пеня) ундириш ҳуқуқига эга, бироқ бунда жазима (пеня)нинг умумий сўммаси Маҳсулот қийматининг 5% фоизи миқдоридан юқори бўлмаслиги керак.

5.2 Мазкур Шартноманинг 3.1.1-бандида кўзда тутилган ҳолатлар вужудга келган тақдирда, Дилер Маҳсулот етказиб бериш кечиктирилганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

5.3. Маҳсулот тегишли сифатга эга бўлмай ёки бут бўлмаган ҳолатда етказиб берилган тақдирда, мазкур шартномада кўзда тутилган қоидалардан ташқари Томонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.02.2003 йилдаги 75-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг Чакана савдо" Қоидаларининг IX бўлимига амал қилади.

5.4. Ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган фойдаланиш шартлари бузилган ва/ёки фойдаланиш шартларига риоя қилинмаган тақдирда Харидор кафолатли хизмат олиш ҳуқуқини йўқотади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Мажбуриятларнинг тегишлича ижро этилмаганлиги бартараф этиб бўлмайдиган куч оқибатида, яъни айни шароитларда фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган (форс-мажор) вазиятлар натижасида юз берган тақдирда, Томонлар жавобгарликдан озод қилинадилар. Бундай вазиятлар қуйидагиларни ўз ичига олади: табиий офатлар, авариялар, фалокатлар, террорчилик ҳаракатлари, норозилик намойишлари, уруш ҳаракатлари, давлат органлари қарорлари, ишлаб чиқаришни тўхтатилиши ва мазкур шартнома томонларнинг оқилона назоратидан ташқари бошқа вазиятлар.

6.2. Форс-мажор вазиятлари юзага келган тақдирда, форс-мажор вазиятларига учраган Томон бу тўғрида иккинчи Томонни зудлик билан, бироқ энг кўпи билан 5 банк куни мобайнида хабардор қилади; бунда шартноманинг амал қилиши ушбу вазиятларнинг амал қилиш муддатига, бироқ энг кўпи билан 3 ойга узайтирилади. Форс-мажор вазиятлари юзага келганлиги тўғрисида хабар олган Томон бунинг далил-исботларини талаб қилган тақдирда, форс-мажор вазиятларига учраган Томон далил-исботларини талаб қилган Томонга ваколатли органлардан олинган тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилиши шарт

7. Коррупцияга қарши бўлган

7.1 Томонлар ва уларнинг ҳар бири, порахўрлик ва коррупцияга мутлақо тоқат қилмаслик сиёсатида эга эканлигини тан оладилар ва тасдиқлайдилар, бу эса коррупцион ҳаракатлар тўлиқ тақиқлашни ва турли ёрдам /тўловлар, унинг мақсадли тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ расмиятчиликларни соддалаштириш, осонлаштиришни, тезкорлик билан таъминлаш масалаларини ҳал қилишни тўлиқ тақиқлашни назарда тутади.

7.2 Томонлар ўз фаолиятида порахўрлик ва тижорий порахўрлик билан курашишга қаратилган қонунчилик ва унинг асосида ишлаб чиқилган сиёсат, тартиблар ва тегишли қоидаларга амал қиладилар.

7.3 Тарафларда иккинчи тараф томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилик ва ёки маскур ҳисоб-шартнома талаблари бузилганлиги ёки бузулиши тўғрисида асосланган шубҳа пайдо бўлганда, биринчи тараф иккинчи тарафга ушбу талаблар бузилиши фақатгина инкор этувчи ёки тасдиқловчи фактларни сўраб ёзма сўровнома юбориш ҳуқуқига эга. Тарафлар маскур сўровнома олинган кундан бошлаб унга 10 (ўн) календар кунида жавоб қайтаришлари шарт.

8. БОШҚА ҲОЛАТЛАР

8.1 Мазкур шартномада кўрсатилмаган барча ҳолатлар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади.

8.2 Мазкур шартномага киритилмаган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина қонуний кучга эга бўлади.

8.3 Мазкур Шартнома электрон рақамли имзо билан имзолагандан сўнг ёки Томонлар ёзма равишда имзолагандан сўнг, юқорида курсатилган санадан бошлаб қонуний кучга кирилади ва Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади, мазкур Шартнома билан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

8.4. Мазкур Шартнома қуйидаги ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

8.4.1. Томонларнинг ўзаро розилиги бўйича;

8.4.2. Мазкур Шартноманинг 2.3 бандида кўзда тутилган ҳолатда;

8.4.3. UzAutoSavdo мобил иловасида Мижоз akkaунти орқали шартнома ўчириб ташланган тақдирда шартнома бекор ҳисобланади.

8.5 Мазкур шартнома ҳар бир томон учун бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ўзбек тилида тузилди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

ДИЛЕР:

"AVTOSCAR TRADE CENTRE" MCHJ

Манзил: Toshkent shahar Bektemir tumani

Mirishkor MFY Xusayin Boyqaro ko'chasi 28A-uy

Банк реквизитлари:

Банк номи: АИТБ Банк "Ипак йули"

Мирзо Улугбекский ф.л.

х/с: 2020800000095745601

МФО: 00421 ИФУА: 45112 СТИР: 305945687

E-mail:

Тел.: +998(95) 614 661 / +998(95) 615 66 77

Muzuparov Mirkaid Sadikovich

ХАРИДОР:

ГЕНЕРАЛЬНАЯ ПРОКУРАТУРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Манзил: TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMANI

YA.G'ULOMOV K'OCHASI 66

Банк реквизитлари:

Банк номи: O'z. Res. Moliya vazirligi G'aznachiligi

Sh/g'.h: 400110860262907036100010001

ИНН 200555349 ХХТUT 97300

х/с: 23402000300100001010

MARKAZIY BANK AMALIYOT BOSHQARMASI

МФО: 00014 СТИР: : 201122919

E-mail:

Тел.: +998 98 809 1316



Юрист

[Handwritten signature]

СВИДЕТЕЛЬСТВО

О государственной регистрации юридического лица



Юридическое лицо

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "AVTOCAR TRADE CENTRE"

Полное наименование юридического лица - хозяйствующего субъекта с указанием организационно-правовой формы

ООО "AVTOCAR TRADE CENTRE"

Сокращенное наименование юридического лица

305 945 687

Идентификационный номер налогоплательщика

Организация (реорганизация, иная регистрация, изменение сведений)

08.01.2019

Дата

662181

Подтвержден

Организационно-правовая форма:

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ

Место осуществления деятельности:

ГОРОД ТАШКЕНТ, БЕКТЕМИРСКИЙ РАЙОН, MIRISHKOR MFY, XUSAYN BOYQARO KO'CHASI, 28 A-UY

Свидетельство выдано:

BEKTEMIR TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

3628489

